



Илк бора Султон номини олган Газнавийларнинг буюк хукмдорларидан Султон Махмуд Собуктакин ислом динини ёйиш мақсадида Хиндистонга ўн саккиз маротаба юришлар уюштирган. У ана шу юришларидан бирида жуда ҳам каттик қаршиликка учрайди ва галаба қозониши амри маҳол бўлиб қолади. Худди ана шу кийин вазиятда Аллоҳга ёлвориб: «Эй Раббим, агар ушбу жангда қолиб чиқсам қўлга киритганим ўлжаларнинг барчасини фақирларга таркатаман» деб аҳд қилди.

Не бахтки, Султон Махмуд ушбу жангда қолиб бўлади ва қутилганидек анча-мунча бойликларни қўлга қиритади. Газнага қайтиб қелишганда қўлга қиритилган бойликларни йўқсил ва мухтожларга тарката бошлайди, бироқ бу ҳол баъзи вазир ва амирларга ёқмайди. Улар ўртага тушиб «Эй улуг султон, нималар қияпсиз, ахир шунча хазина, олтинлар, инжулар, дуру жавохирларни фақирларга таркатаиб бўларканми? Улар ҳатто буларнинг қийматини ҳам билмайди. Қолаверса, салтанат хазинасининг ҳам бу бойликларга эҳтиёжи йўқ эмас», дейишади. Султон мулозимларига бу ишни Аллоҳга берган ваъдаси учун қилаётгани айтади. Лекин амирлар эътироз билдиришади ва «Ундай бўлса, қимматбаҳо буюмларни олиб қолиб, қолганларини таркатинг», деб султоннинг бошини айлантириб ташлашади.

Ўша вақтда Газнада ўз жони ҳатарда турган бўлса ҳам тўғри сўзни айтишдан чекинмайдиган замонасининг олим ва фозил кишиси яшар эди. Султон ўша кишини чақиртириб унга ҳолатни тушунтириб, унинг фикрини сўради. Олим «Султоним, бу ерда сизни иккиланишга мажбур қиладиган ҳеч нарса йўқ ҳаммаси оддий ва аниқ намоён бўлиб турибди. Агар Аллоҳга бошқа ишим тушмайди десангиз дарҳол одамларингиз айтганини қилинг, бойликларни хазинага қўйинг. Аммо Аллоҳга яна ишингиз тушадиган бўлса, берган ваъдангизни бажаринг-да, қўлга киритганларингизни фуқаронгизга таркатинг», деди.

Ирода Тўрахонова тайёрлади